

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2021 йил апрель ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг очиқ сайёр суд мажлиси Қўқон шаҳар 8-Янги чорсу маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи судья А.Омонов, судья ёрдамчиси З.Рахматуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Рўзиев, судланувчи С.Х. ва унинг ҳимоячиси М.Пазилваларнинг иштирокида С.Х.га оид № 1-1503-2105/--сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

С.Х. (С.Х.) - 1993 йил ----да Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, уйланмаган, вақтинча ишламайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Републикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ҳозирда 2 ой 4 куни ўталмай қолган, Қўқон шаҳар “---” маҳалла фуқаролар йиғини, -- -- кўчаси, --уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 17 февралда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-моддаси 1-қисми ва 238-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи С.Х. 2020 йил 12 ноябрь куни Қўқон шаҳар ИИО ФМБга келиб, телефон апаратини 2020 йил 8 ноябрь куни Қўқон шаҳар Янги бозордаги дўконига борган вақтида телефонини ўғирлатгани ҳақида ёлғондан ҳабар бериб, жиноят тўғрисида била туриб ёлғон ҳабар берган, оқибатида Қўқон шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ тмонидан ноябрь 2020 соат 13 ноябрь куни номаълум шахга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан жиноят иши қўзғатишга эришган.

Бундан ташқари, С.Х. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, унинг жиноят ҳақида ёлғон ёлғон ҳабар берганлиги ҳақидаги аризаси юзасидан қўзғатилган жиноят иши юзасидан 2020 йил 20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддасига асосан



жинойй жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиб, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганида, С.Х. “Редми-9” русумли телефонини А.Насимовга қарзга олган пуллари эвазига гаров тариқасида берганини яшириб, 2020 йил 8 ноябрь куни Қўқон шаҳар “Истиқлол савдо комплекси”да ўғирланганини айтиб, ёлғон кўрсатув берган.

Судланувчи С.Х. судда айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2020 йил 1 ноябрь куни соат 20:00 ларда Қўқон шаҳар Турон кўчасида жойлашган №1 тунги клубга ўртоғи билан бирга боргани, спиртли ичимликлар истеъмол қилгани, кейин ўртоқлари билан хайрлашиб, ташқарига чиққанлиги, маст бўлганлиги учун машинасини Д.Абдуллаевга уйга олиб бориши учун бергани, ўзи “Жигули” русумли таксига чиқиб уйига келгани, маст бўлганлиги сабабли қандай келганини билмаслиги, эртаси куни “Редми-9” русумли телефон аппаратини йўқлигини билгани, маст бўлганлиги учун телефонини қаерга қўйганини эслай олмагани, Қўқон шаҳар Янги чорсу кўчасида жойлашган савдо дўконига борганида, сотувчи унга бир hafta олдин дўконига икки нафар болалар билан келганини, маст холатда эканлигини, бирга келган йигитлар уни ташлаб кетиб юборганлигини айтганлиги, Қўқон шаҳар ИИО ФМБ Пробаця гуруҳида ҳисобда турганлиги учун суҳбатдан ўтгани келган вақтида, ИИБ биносига кириш эшиги олдида фуқароларни аризаларини қабул қилиш ходими турганлигини кўриб, ушбу ходимга 2020 йил 12 ноябрь куни Қўқон шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, 2020 йилнинг 8 ноябрь куни ўз дўконига борган вақтида, ўзининг “Редми 9” русумли қўл телефони борлиги, охириги маротаба ўша куни бозорга киришда ўрта дарвоза олдида фойдалангани, шундан сўнг дўконига кирганлиги, орадан 3-4 соат вақт ўтиб телефон зарур бўлиб, чўнтагини қараган вақтида телефони йўқлигини билгани, телефонини дўконга бирор жойга қўйганини ва бирор шахсга бермагани, қаерда ўғирлатганини аниқ эслай олмаслигини маълум қилиб, телефон аппаратини топишда амалий ёрдам беришни сўраб жиноят ҳақида била туриб ёлғон ариза билан мурожаат қилгани, аслида 2020 йил 1 ноябрда телефонини йўқотган ва телефон аппаратини бозорда ҳеч ким ўғирлаб қўймаганлигини, телефонини йўқотганлиги юсидан ариза олаётган ИИБ ходими унга агарда била туриб жиноят тўғрисида ёлғон хабар берса, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантиргани, телефонини такси сифатида тўхтатган Ахрор ва Мухаммад Рауф исмли болаларга пул бериб туришлигини, эртаси куни пулларини қайтариб беришини, эвазига уларга телефонини гаров тариқасида берганини, уни аризасига асосан номаълум шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси билан жиноят иши қўзғатилгани, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддасига асосан била туриб ёлғон гувоҳлик бериш ҳақида огоҳлантирилгани, асл холатни айтиб кўрсатув бермасдан, ёлғон



кўрсатув бергани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ А.Жўрабоев судда, Қўқон шаҳар “Қўқон савдо комплекси” бозорида ва У.Носир кўчасида жойлашган ТЕХНОСМАРТ номли савдо дўконида телефон аппаратларини сотиш билан шуғулланишини, А.Насимовни ёшлигидан танишини, 2020 йил 3 ноябрь куни Р.Махмудов савдо дўконига келиб, ўзи билан бир дона кўк рангли “Редми 9” русумли телефон аппаратини олиб келиб, ушбу телефон аппаратини сотмоқчи эканлигини айтгани, уни танигани учун телефон аппаратини у билан ўзаро келишиб, 1.000.000 сўмга сотиб олгани, орадан 10 кунлар ўтганидан сўнг ушбу телефон аппаратини Қўқон шаҳар Фаробий кўчасида жойлашган савдо растага олиб боргани, пул зурурлиги сабабли таниши Р.Махкамовга сотиб юборгани, 2020 йил 27 декабрь куни ўзларини Қўқон шаҳар ИИО ФМБ 3-сон ИИБ ходимлари хизмат хонасига чақиришиб, “Редми 9” русумли телефон аппаратини сотганлигини сўрашгани, ушбу телефон аппаратини ўғирланганлиги ҳақида ИИБ ходимларидан эшитгани ҳақида баён қилди.

Гувоҳ М.Махмудов суд мажлисида, 2020 йил ноябрь ойи бошларида соат 23:00 ларда “Жигули” русумли автомашинасида таниши А.Насимов билан Қўқон шаҳар темир йўл вокзалига А.Темур кўчаси томонидан келиб, № 1 тунги клубнинг олдидан ўтаётганларида, автомашинасини С.Х. тўхтатиб, Қўқон шаҳар Янги чорсу кўчасига ташлаб қўйишини сўрагани, у рози бўлгани, шу вақтда С.Х. маст ҳолатда бўлгани, С.Х. шаҳарни бироз айланишларини сўраганида, шаҳарни айланишгани, сўнг С.Х. 200.000 сўм пул бериб туришларини, ўрнига телефонини бериб туришини, эртага пулни қайтариб бериб телефонини қайтариб олишини сўраганида, ўзи пул бўлмагани, таниши А.Насимов С.Х. билан гаплашиб, ундан 200.000 сўм сўраб олиб, турли спиртли ичимликлар сотиб олиб сарфлаб юборгани, С.Х.ни кайфи ошиб қолиб, такси пулини эртага беришини айтгани, кейин ундан манзилини сўраб олиб, Қўқон шаҳар Янги чорсу кўчасида жойлашган савдо дўкони олдида ташлаб кетгани, С.Х.нинг “Редми 9” русумли телефони А.Насимовда қолгани, С.Х. А.Насимовдан 200.000 сўм пул олиб эртаси куни бериб кетиши керак бўлгани, лекин С.Х. уларга телефон қилмагани, уларни топиб келмагани, орадан 5-6 кун ўтиб, С.Х. ташлаб кетган “Редми 9” русумли телефонни Қўқон шаҳар А.Навоий мавзесида А.Жўрабоевга 1.000.000 сўмга сотиб юборгани, телефонни пулидан 300.000 сўм олганини, А.Насимов эса 200.000 сўм атрофида пулларни олгани, қолганини ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишгани, орадан вақт ўтиб, унга ИИБ ходимлари телефон қилиб, С.Х. берган телефон ўғирланган телефон эканлигини айтиб, телефон қаердалигини сўраганида, уларга телефонни А.Насимовга сотганлигини айтгани, кейин А.Жўрабоев ҳам телефонни бошқа шахсга сотиб юборганлиги аниқлангани, ҳозирда С.Х.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва А.Жўрабоевга сотган



телефон учун олган пулларини қайтариб беришгани, С.Х.дан телефонини ўғирлаб олмаганлигини ва у пул олиб телефонини гаровга ташлаб кетганлигини кўрсатди.

Гувоҳ Д.Абдуллаев суд мажлисида, 2020 йил 1 ноябрь куни Қўқон шаҳар Турон кўчасида жойлашган № 1 рақамли диско клубда ўртоқларига гап қилиб бергани, С.Х. клубда спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст бўлиб қолиб, машина мина олмаганлигини сабабли, ўтириш тугаганидан кейин соат 23:30ларда ўзини бошқарувида бўлган Матиз русумли автомашинани бошқариши учун бергани, ўзи эса йўлни нариги томонига Мадина номли дўконга ўтиб кетгани, бу вақтда ўзи С.Х.га тегишли бўлган автомашинани маст ҳолатда бошқарганлиги учун ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, текширишганида, ўзи маст ҳолатда автомашина бошқарганлиги аниқлангани, кейин ИИБ ходимлари уни Қўқон шаҳар наркология диспансерига олиб бориб, экспертизадан ўтказишгани, шундан кейин ИИБ ходимлари унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштиришгани ва С.Х.га тегишли автомашинани жарима майдончасига олиб кириб қўйишгани, орадан вақт ўтиб, С.Х. унга нотаниш рақамдан телефон қилгани, сўнг С.Х. ким биландир уришиб жанжаллашган бўлса керак, уни ҳам ИИБ ходимлари наркологияга олиб келгани, шу вақти С.Х. билан гаплашган вақтида, ўзини “Редми 9” русумли телефон апаратини йўқлигини, қаерда эканлигини эслай олмаётганлигини айтгани, шундан кейин яшаш хонадонига кетгани, орадан бир икки кун ўтиб, С.Х. унга телефони йўқлигини ва уни қаерга қўйганини ёки кимга берганлигини эслай олмаётганлигини айтгани, орадан 15 кун ўтиб, С.Х. билан гаплашган вақтида, у Қўқон шаҳар ИИБга телефон апарати йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилганлигини айтгани кўрсатди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи С.Х.нинг айби, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган С.Х.нинг аризаси, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, ашёвий далилларни олиш баённомаси, С.Х.нинг кўрсатувларини ходиса жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топди.

Суд, судланувчи С.Х.нинг жиноят тўғрисида била туриб, ҳолда ёлғон ҳабар бериш, суриштирув олиб бориш вақтида ёлғон гувоҳлик беришда ифодаланган жинойи ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 237-моддаси 1-қисми, 238-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони



енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи С.Х.га жазо тайинлашда, қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, унинг шахси, қилмишидан пушаймонлиги, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлаб, ЖКнинг 60-моддалари тартибида илгариги ҳукми юзасидан ўталмай қолган жазосини қисман қўшиб, узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

С.Х. (С.Х.) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-моддаси 1-қисми банди ва 238-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

С.Х.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Х.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Х.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 2 (икки) йил 1 (бир) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Х.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукми юзасидан ўталмай қолган 2 (икки) ой 4 (тўрт) кун озодликни чеклаш жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 2 (икки) йил 2 (икки) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Х. озодликни чеклаш жазосини Қўқон шаҳар, Истирохат кўчаси, 1-уйда кеч соат 21 дан эрталаб соат 6 гача ўташи белгилансин.

С.Х. зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Қўқон шаҳар ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо ўташ муддати маҳкум Қўқон шаҳар ИИО Пробация гуруҳи томонидан ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

С.Х.га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида



Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Омонов

Нусхаси аслига тўғри

А.Омонов

